



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 12 октябрь, № 201 (5621)

Жума

## ПРЕЗИДЕНТ ОЗАРБАЙЖОНГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан, 2012 йил 11 октябрь кунини расмий ташриф билан Озарбайжонга жўнаб кетди.

Олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Расмий ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

## ИСЛОМ КАРИМОВ БОКУГА КЕЛДИ

БОКУ, 11 октябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан, 11 октябрь кунини расмий ташриф билан Бокуга келди.

Олий мартабали музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларнинг асосий жиҳатлари юзасидан фикрлар алмашиш режалаштирилган.

Музокаралар чоғида савдо-сотик, иқтисодиёт, сармоя, транспорт коммуникациялари соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришни истиқболли йўналишларига, ўзаро товар айирбошлаш ҳажминини оширишга, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги учрашув якунида давлат раҳбарларининг икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган. Қўшма баёнотини қабул қилиш ҳамда ҳужжатлар ва идораларо қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

(ЎзА).

## Замонавий агротехника воситалари

мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳани модернизация қилишда муҳим аҳамиятга эга

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” мажмуасида “Uzbekistan Agrotechmash Expo — 2012” қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва ускуналари халқаро ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтмоқда.

### Кўргазма

Мақсур тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан Президентимизнинг 2012 йил 21 майдаги “2012 — 2016 йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз аграр секторини янада ривожлантириш, фермерларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш, қишлоқ хўжалиги корхоналарини модернизация қилиш, умуман, соҳага инновацион лойиҳаларни кенг жалб этишда ушбу кўргазма муҳим аҳамиятга эга.



Унда дунёнинг 12 мамлакатидан 50 дан орტიқ корхона, суғурта, лизинг компаниялари ва фирмалари, тижорат банк-

лари, шунингдек, агро-бизнес вакиллари иштирок этаётгани ана шундан далolat беради.

Кўргазмада мамлакатимиз ва чет эл ишлаб чиқарувчиларнинг агросаноат комплекси корхоналарида маҳсулотни тайёрлаш, сақлаш, ташиш ва

қайта ишлашнинг замонавий технологияларини жорий этиш учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги техникалари ва бошқа маҳсулотларнинг 100 дан ортиқ тури намойиш қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Маҳалла азалдан миллий қадриятлар, эзгу амаллар маскани бўлиб келган. Меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга муҳтож кишилар ҳолидан хабар олиш, тўй-томшога, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши ва ёмон кунларда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф-одат ҳамда анъаналар ушбу масканда шакллانган.

## Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий кафолати

Истиқлол йилларида маҳалланинг ҳаётимизда туган урни ортиб, ваколатлари доираси тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда у илгари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ваколатида бўлган ижтимоий ва иқтисодий йўналишдаги 30 дан зиёд ва-

зифаларни бажариб келатгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Ушбу вазифалар “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунда ҳам батафсил кўрсатиб ўтилган. Яъни ҳозирда маҳаллалар томонидан давлат ҳокимияти ва

бошқаруви органлари, корхона, ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, ободонлаштириш, уларнинг санитария ҳолатини яхшилаш, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш бўйича тавсиялар бериш, кам таъминланган оилаларни

моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни чоғда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ҳамда болалари эҳтиёжманд оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этиш, оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳам фуқаролар йиғинларининг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Умуман олганда, ушбу маскан бугун кенг қамровли ишларни амалга оширмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## УЕФА ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА

Европа футбол уюшмалари иттифоқи — УЕФА президенти Мишель Платини раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди.

Ўзбекистон Республикаси Футбол федерацияси раиси М. Усмонов учрашув чоғида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистонда футболни ривожлантириш, замонавий стадионлар, ўқув-машгулот масканларини бунёд этиш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, профессионал футболчиларни тайёрлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 19 январда қабул қилинган “2011 — 2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори футбол инфратузилмасини янада такомиллаштириш, янги стадионлар барпо этиш ва мавжудларини таъмирлаш, футбол бўйича таълим масканлари фаолиятини замон талабларига мос йўлга қўйиш, малякали мураббийлар ва ҳакамлар тайёрлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Бугун ўзбек футбол китъа ва жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга. Кунинча футбол бўйича 16 ёшгача бўлган ўсмирлар терма жамоамиз 4 миллиарддан ортиқ аҳоли яшайдиган Осиё китъасининг чемпиони деган юксак шарафга эришди. Ўтган йили Осиё чемпионатида кучли тўртликдан жой олган миллий терма жамоамиз айни

пайтда 2014 йили Бразилида бўладиган жаҳон чемпионатининг халқ қилувчи саралаш босқичида иштирок этмоқда. Сўнгги икки жаҳон чемпионатида бош соврини қўлга киритган Ўзбекистон ногирон-ампутантлар терма жамоаси Россияда давом этаётган навбатдаги жаҳон чемпионатида ярим финалга чиқди.

УЕФА делегацияси аъзолари Ўзбекистонда футболни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, пойтахтимизда барпо этилган “Бунёдкор” стадиони ва футбол мажмуаси, тўлиқ қайта таъмирланган “Пахтакор” стадиони, Ўзбекистон Футбол федерацияси фаолияти билан яқиндан танишди.

— Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга Президент Ислам Каримов томонидан улкан эътибор қаратилаётгани ушбу соҳа тараққиётида муҳим омили бўлмоқда, — деди УЕФА президенти Мишель Платини. — Мамлакатимизда футбол инфратузилмасини такомиллаштириш, айниқса, болалар ва ўсмирлар футболни ривожлантириш, малякали спортчиларни тарбиялаш ва улар учун қулай шартлар яратиш, футбол клубларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим.

(Давоми 2-бетда).

## Мамлакатимизда:

### Сурхондарё

Сариосиё туманида шу йилнинг биринчи ярмида саноат ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида умумий қиймати 13 миллиард 977 миллион сўмлик 20 та лойиҳа рўёбга чиқарилди.

### Ёшлар учун иш ўринлари

Бу каби тадбирлар тўғрисида 500 га яқин кишининг доимий бандлиги таъминланди.

Хусусан, “Шоҳида Шамсиддин” хусусий корхонаси томонидан шағал саралаш технологиясининг фойдаланишга топширилиши билан маҳаллий ёшлардан 18 нафар ишли бўлди. Ушбу лойиҳа 420 миллион сўмлик маблағ эвазига амалга оширилди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Модернизация имкониятини кенгайтирди

Поп туманидаги “Fayz non savdo” масъулияти чекланган жамияти модернизация қилиниши билан бу ерда тўқимачилик маҳсулотлари тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

### Наманган

Ушбу мақсад рўёби учун 700 миллион сўмлик банк кредити ҳамда жамоанинг 600 миллион сўмлик маблағи йўналтирилди. Пировардида бу ерда кунига олти минг донагача турли ўлчам ва кўринишдаги кийим-кечак тайёрлаш имконияти юзга келди. Корхона тўлиқ қувватга эришгач, жамоа сафи 75 нафарга етади. Айни пайтда “Fayz non savdo”да

лойиҳанинг кейинги босқичи — сутни қайта ишлаш технологиясини ўрнатиш ишлари ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Умуман, туманда фаолият кўрсатаётган юзга яқин саноат корхоналари томонидан жорий йилнинг ўтган саккиз ойида 49,8 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрлашга эришилди.

Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Инновация ва тежамкорлик

Муборак туманидаги “Иссиқлик электр маркази” очик акциядорлик жамиятида янги инновацион лойиҳа амалга оширилиши билан бир йилда 60 миллион сўм маблағни тежам имконияти юзга келди.

### Қашқадарё

Гап шундаки, корхона мутахассислари марказнинг асосий электр станциясидаги ток йиғувчи халқаларни такомиллаштириб, катта самарага эришдилар. Натижада станцияни бир марта ўчириб-қўйиш жараёнида йўқо-

тиладиган 4900 минг сўмлик зарарнинг олди олинди. — Корхонамизда йилга 290 миллион кВт. электр энергияси, 1 миллион 750 минг Гкал. иссиқлик энергияси ишлаб чиқарилади, — дейди “Иссиқлик электр маркази” раҳбари Комил Хайруллаев. — Биз, асосан, “Муборак газни

қайта ишлаш заводи”га электр қуввати етказиб берамиз. Агар таъминотдаги узилтиш туфайли завод бир соат фаолиятини тўхтатса, иқтисодиётимизга катта зиён етиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун амалиётга татбиқ этилаётган янги ихтиролар ускуналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириб, ортиқча сарф-харажатнинг кескин камайишини таъминламоқда.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### ХИЗМАТ КўРСАТИШ СОҲАСИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Жорий йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига хизматлар улуши ўтган йилнинг шу давридаги 48,3 фоиз ўрнига

52,2 фоизни ташкил қилди.

Ўтган даврда соҳага кредит ахратиш ҳажми кўпайтирилгани, яқка тартибдаги тадбиркорларга қўшимча имтиёз ва преференциялар берилгани натижасида, айниқса, пуллик, алоқа ва ахборотлаштириш, сайёҳлик, маиший ва молиявий хизматлар кўрсатиш жадал ривожланиб, ана шундай юқори кўрсаткичга эришилди.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

# Замонавий агротехника воситалари

### мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, соҳани модернизация қилишида муҳим аҳамиятга эга



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).  
— Кўрғазмага келиб, республикамиз аграр тармоғи нақадар ривожланиб бораётганлиги яна бир қарра амин

бўлди. Шунингдек, жаҳоннинг соҳага дахлдор илгор технология ва ускуналари билан ҳам яқиндан танишдик, — дейди Марғилон шаҳридаги “Зиё боқий барака” масъули-

яти чекланган жамияти раҳбари Абдуфаттоҳ Нурматов. — Масалан, биз чой қадоқлаш билан шуғулланамиз. Шу боис кўпроқ мазкур йўналишдаги ускуналарга қизиқдик.

Жанубий Кореянинг “Green Color Sorter” компаниясининг чойни чўллардан тозалаш ускунаси маъкул бўлди. Чунки у жуда ихчам ва тежамли экан. Бошқарув жараёнлари эса автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади. Агар жамиятимизда бу дастгоҳни қўлласак, ҳозирда “Ризқ” савдо белгиси остида қадоқланаётган махсулотларимиз ҳажмини йилига 400 тоннага етказишимиз мумкин. Ускунани харид қилиш бўйича компания вакиллари билан келишиб олдик.

Дарҳақиқат, мазкур кўрғазмада намойиш этилаётган махсулотлар хилма-хиллиги ва замонавийлиги билан иштирокчиларда катта таассурот қолдирмоқда. Айтилик, мамлакатимизнинг йирик қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқарувчи корхоналаридан бири — “Тошкент трактор заводи” очик акциядорлик жамиятининг универсал тракторлари, экскаваторлари, тиркамали тележалари, цистерна ва бошқа мосламалари

қулайлиги билан ажралиб турса, “Lemken Chirchic” Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасининг “ЕврОпал” айланма плуги, “ВариоПлак” тупроқ зичлагичи, “Циркон” ротация боронаси, “Смарагд” универсал диски культиваторлари ҳамда “P.I.C Plast LTD” фирмаси иссиқхоналари фермерларимизда қизиқиш уйғотмоқда.

Чиндан ҳам, “Uzbekistan Agrotechmash Expo — 2012” қишлоқ хўжалиги техникаси, машиналари ва ускуналари халқаро иختисослаштирилган кўрғазмаси ва унинг доирасида ташкил этилган тақдирот маросимлари иштирокчиларни соҳадаги янгиликлар билан таништириш баробарида, ўзаро манфаатли шартномалар тузишда муҳим омили бўлапти.

**Дилшод УЛУҒМУРDOV,**  
**“Халқ сўзи” мухбири.**  
**СУРАТЛАРДА:** кўрғазма фаолиятдан лавҳалар.  
**Ҳасан ПАЙДОEV**  
олган суратлар.



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидан келиб чиқиб, ушбу тизим зиммасидаги вазибалар қўлами янада кенгайтирилмоқда. Натижада маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш маркази сифатида ҳам ўзини кенгрок намойён эта бошлади. Бу борада “Маҳалла” хайрия жамоат фонди томонидан фуқаролар йиғинларига услубий ва амалий кўмак кўрсатилмоқда.

кўмаклашиш, ривожлантириш бўйича маслаҳат марказларини ташкил этиш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес юзасидан қарорлар қабул қилиш, кадрлар малакасини ошириш борасида масъул ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, фуқаролар йиғини қарори билан ташкил этилган хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес субъектига қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланишига кўмаклашиш каби масалаларнинг қонуний асосини янада мустаҳкамлаш айна муддаодир.

Албатта, қонун ижодкорлиги — мураккаб жараён. Бунда нафақат депутатларнинг, шу билан бирга, кенг жамоатчилик-

## УЕФА ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Бугун ўзбек ўғлони — ФИФА рефериси Равшан Эрматовнинг бутун дунёда яшаш таниши. Унинг жаҳон футбол лигадаги мавқеи тобора юксалиб бораётгани ҳам ўзбек футболнинг ютуқларидандир. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг ўтган йилги Осиё кубогида кўрсатган ўйини менга жуда манзур бўлган эди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасининг китъа миқёсидаги чемпионатларда муваффақиятли тўп сураётгани болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган

юксак эътибор самараларидандир.

УЕФА президенти М. Платини “Бунёдор” стадиони билан танишиб, ушбу муҳташам спорт иншооти жаҳон стандартларига тўла жавоб бериши ва Европа мамлакатларидаги машҳур стадионлардан асло қолшмаслигини алоҳида таъкидлади.

Бу стадионда спортчилар ва мухлислар учун барча шароит ва қулайликлар яратилган. 34 минг кишига мўлжалланган ўриндиқлар, икки қаватли трибуна, ногиронлар учун ҳам алоҳида сектор ажратилгани замо-

навий талабларга жавоб беради. Мажмуа ўзида спортчилар, ҳакамлар, мураббийлар, футбол маъмурлари учун мўлжалланган хоналар, матбуот анжуманлари зали, футбол клуби музейи, ресторан ва фитнес марказларини қамраб олгани диққатга сазовор.

Энг замонавий талаблар асосида қурилган ва халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳиятини намойён этган ушбу стадион меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

**Зоҳир ТОШХЎЖAEV,**  
**Байрам АЙТМУРDOV,**  
**ЎЗА мухбирлари.**

## Маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий кафолати

Албатта, ушбу кенг қўламли ишларни муваффақиятли амалга ошириш учун фуқаролар йиғинларига давлат ҳокимияти идоралари кўмаги зарур. Қолаверса, ислохотларнинг ҳозирги босқичида ушбу ҳамкорлик доирасини янада кенгайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шу боис Концепцияда маҳалла тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг давлат идоралари билан ҳамкорлигини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бунинг учун эса “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, уларни бугунги талаб даражасида такомиллаштириш зарур.

Шундан келиб чиқиб, ҳозирги кунда Олий Махлис Қонунчилик палатаси ва тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида мазкур қонунларни такомиллаштириш устида изчил иш олиб борилапти. Бунда, аввало, фуқаролар йиғинларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро муносабати, шартномавий келишув, ҳамкорликда алоҳида дастурлар, лойиҳаларни амалга ошириш, худудларни ривожлантириш дастурлари тўғрисида ахборот алмашишга оид меъёрлар кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, маҳаллаларда хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни йўлга қўйишга

нинг тақлиф ва тавсиялари ҳам муҳим ҳисобланади. Шу боис “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунни такомиллаштириш юзасидан келиб тушган қўллаб-қувватлаш таҳлил этилмоқда. Фуқаролар йиғинларининг роли ва мавқеини ошириш, ваколат ва ҳуқуқларини янада кенгайтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқиш борасидаги тақлифлар, айниқса, қўл келаётган. Айна чоғда Қонунга ҳақарча, қишлоқ, овул ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари ваколатларини аниқлаштириш, уларнинг кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлини ривожлантиришга қаратилган фаолиятини кенгайтириш, аҳолини манзилли қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштиришга йўналтирилган меъёрлар киритилмоқда.

“Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонунга ҳам муайян ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли), унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларни шакллантириш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда сайловнинг ташкил этилиши ва ўтказилишига масъул органларнинг ваколатларини янада аниқроқ белгилаш шулар жумласидандир.

Мухтасар айтганда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи — маҳалланинг фаолияти кенгайиб борар экан, шунга мос равишда унинг қонунчилик асоси ҳам такомиллаштирилмоқда. Бу эса “Қучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилида кўзда тутилган улугвор мақсадларни рўёбга чиқариш, пировардида маҳаллани ҳақиқий демократия дархонаси ва энг халқчил маскан сифатида шакллантириш учун мустаҳкам замин ҳозирлайди, албатта.

**Барчирони МАШАРИПОВА,**  
**Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Иқтисодийётимизда қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланган пахтачиликнинг ўзига хос ўрни бор. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ мазкур соҳани ривожлантиришга, унинг самардорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, соҳа истиқболи, кўп жиҳатдан, гўза селекцияси ва уруғчиликка боглиқ. Шунинг учун селекциячи олимларимиз зиммасига дунё бозори талабларига жавоб берадиган гўза навларини яратиш ва уларни амалиётга тўлиқ жорий этишдек улкан вазифа юклатилган. Бунда “Уруғчилик тўғрисида”ги ва “Селекциячи ютуқлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари дастуриламал бўлиб хизмат қилапти.

Жаҳон бозорига 110-120 кунда етилмадан эртапишар, тола чикими 38-40 фоизли ва узунлиги 33-34 миллиметрли пахта толасига талаб, айниқса, юқори. Бугунги кунда республикамизнинг асосий майдонларида парваришланаётган “Бухоро-6”, “С-6524”, “Бухоро-102”, “Наманган-77”, “Омад”, “Бухоро-8”, “Ан-Боевўт-2” каби гўза навларининг ана шундай афзалликларга эгалиги қувонарлидир.

Гўза селекцияси ва уруғчилигининг янгилашишида Ўзбекистон Пахтачилик, Гўза селекцияси ва уруғчилиги, Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси илмий тадқиқот институтлари олимларининг хизмати катта, албатта. Сўнгги йилларда мазкур муассасалар илмий жамоаларининг изланиш натижасида яна бир қатор янги ва истиқболли бўлган “Султон”, “Беш Қаҳрамон”, “С-6541”, “Ибрат”, “Дўстлик-2”, “АН-16”, “Жондор Қудрати” сингари навлар яратилиб, амалиётга жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассисларининг айтишича, юртимизда нафақат жаҳон бозорига харидориги бўлган янги гўза навларини яратиш, балки элита ва юқори авлодди уруғчилик етиштириш, қайта ишлаш, экишга тайёрлаш бўйича ўзига хос тизим яратилганки, бу — муваффақиятларнинг асосий омилли бўлаётди. Гап шундаки, элита ва кейинги авлодди уруғчилик етиштириш билан, Гўза уруғчилиги республика марказининг маълумотига кўра, 76 та элита уруғчили-

ги хўжалиги шуғулланади. Юқори авлодди, яъни 1-3 репродукция уруғчилик эса тупроғи унумдор, етарли қишлоқ хўжалиги техникалари ва ишчи кучи билан таъминланган, иқтисодий жиҳатдан бақувват ва

31 цех ва 7 та қўшма корхонада амалга оширилмоқда.

Шу ўринда айтиш жоизки, Марказий Осиё давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистонда гўза уруғини етиштирувчи хўжаликлар, селекциячи

## Серҳосил, тезпишар ва саноатбоп

### Юртимизда гўзанинг шундай навлари парваришланмоқда.

уруғчилик бўйича мутахассисга эга фермер хўжаликлари томонидан тайёрланади. Масалан, 2012 йилда ўтказилган танлов натижаларига кўра, республикамиз бўйича 4612 та фермер хўжалиги орасидан 3358

олимлар, илмий муассасалар ва бошқа субъектларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида устама ҳақ тўлаш механизми жорий қилинди. Бу, ўз навбатида, навлар софлиги таъминлиниши, уларнинг сифат



гектар майдонга ўртача чигит сарфи 123 килограммга тўри келган бўлса, жорий йилда 59 килограммгача озайд.

Гўза навларини joyлаштиришда, энг аввало, худудларнинг тупроқ-иқлим шароити, сув таъминоти, касаллик ва зараркуналларнинг тарқалганлиги даражаси ва бошқа қўллаб-қувватловчи омилларга эътибор берилган. Шу маънода, республикамиз селекциячилари томонидан олиб борилган ўтган йилги изланишлар гўзанинг турли касаллик ва зараркуналларга чидамли, мураккаб шаклдор бардошли навларини яратишга йўналтирилган эътиборга молик. Зотан, бу борада эришилган натижалар Германиянинг “Cotton Outlook” журнали томонидан алоҳида эътироф этилган. Унда ёзилишича, Ўзбекистон пахта етиштириш технологиясининг икки йўналишида, яъни қўсақ қуртини кенг қамровли биологик назорат қилиш ва эртапишар навлар селекцияси дастури бўйича дунёда пешқадамдир.

Шулардан келиб чиқиб, қатъий ишонч билан айта оламизки, VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасида толаримиз савдоси бўйича катта ҳажмда шартномалар имзоланади, бу эса ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар билан хорижлик харидорлар ўртасида иқтисодий муносабатларнинг мустаҳкамлишига хизмат қилади.

**Санд РАҲМОV,**  
**“Халқ сўзи” мухбири.**

## Қисқа сатрларда

• ЯККАБОF ва КАС-БИ туманларида “Ягона ойна” тамойили асосида фаолият юритувчи универсал телекоммуникация хизматлари кўрсатувчи савдо марказлари ишга туширилди. Ҳозир бу ерда “Ўзобайл” ва мобиль телефон компанияларига ула-ниш, интернет тармоғидан фойдаланиш ҳамда турли замонавий технологияларни харид қилиш мумкин.

• ОЛТИНҚУЛ туманида янги туғуруқхона мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бунёдкорлик ишларига 2,5 миллиард сўм сарфланди. Икки қаватли, 14 та даволан-профилактика бўли-мидан иборат ушбу шифо маскани энг илгор тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

• УЗУН туманидаги “Устоз” кичик корхонасида пойабзал ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Хориждан келтирилган тежамкор технологияларни бошқариш учун маҳаллий ёшлардан 10 нафари ишга қабул қилинди.

• МИРЗАОБОД туманининг Наврўз шаҳарчасида хусусий тадбиркор Анвар Холиқов саъй-ҳаракати билан янги гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуада муҳташам тўйхона, ошхона, тивувчилик цехи, автомобильларга хизмат кўрсатиш шохбосчаси мавжуд.

**“Халқ сўзи” мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Ўзбайжон матбуоти Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг ривожланиши ҳақида

Ўзбайжонда нашр қилинадиган “Право выбора” газетасида Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги ўзгаришлар мавзуга бағишланган мақола чоп этилди.

### Эътироф

“Ахборот маконини либераллаштириш, ўз фикрини билдириш эркинлиги” сарлавҳаси остидаги ушбу мақолада таъкидланганидек, Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг мақоми ва ўрни янада мустаҳкамлаш, уларни либераллаштириш, нодавлат ОАВ фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

“Мамлакатда демократия талаблари ва меъёрларига жавоб берадиган ҳамда ахборот соҳасининг ўсувчанлигини, унинг изчил ва эркин ривожланишини таъминлайдиган қонунчиликнинг мавжудлиги, унда бозор механизмларининг кенг қўлланилаётгани, шунингдек, моддий-техникавий заминни мустаҳкамлаш юзасидан узоқ муддатли лойиҳаларнинг рўёбга чиқарилаётгани, ОАВ фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларининг жадал татбиқ этилаётгани баробарида, юқори малакали журналист кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш давлат дастурининг ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши сўнгги беш йилда ОАВ учун 2400 нафардан зиёд малакали ёш журналист тайёрланишини таъминлади. Бу тахририятларнинг салоҳиятини, уларнинг глобал ахборот маконидagi рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширди”, дея таъкидланади мақолада.

Хулоса ўрнида айтганда, “Право выбора” газетасида ёзлон қилинган мазкур мақола билан танишиш Ўзбекистондаги стратегик мақсад — жаҳоннинг замонавий, ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўрин эгаллаш йўлидаги муҳим омиллардан бири ҳисобланадиган ахборот соҳасини либераллаштириш жараёнининг бориши тўғрисида озабайжонлик газетноларида атрофлича тасаввур уйғотди.

“Оммавий ахборот воситалари учун кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш давлат дастурининг ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши сўнгги беш йилда ОАВ учун 2400 нафардан зиёд малакали ёш журналист тайёрланишини таъминлади. Бу тахририятларнинг салоҳиятини, уларнинг глобал ахборот маконидagi рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширди”, дея таъкидланади мақолада.

“Оммавий ахборот воситалари учун кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш давлат дастурининг ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилиши сўнгги беш йилда ОАВ учун 2400 нафардан зиёд малакали ёш журналист тайёрланишини таъминлади. Бу тахририятларнинг салоҳиятини, уларнинг глобал ахборот маконидagi рақобатбардошлигини сезиларли даражада оширди”, дея таъкидланади мақолада.

Хулоса ўрнида айтганда, “Право выбора” газетасида ёзлон қилинган мазкур мақола билан танишиш Ўзбекистондаги стратегик мақсад — жаҳоннинг замонавий, ривожланган демократик давлатлари қаторидан ўрин эгаллаш йўлидаги муҳим омиллардан бири ҳисобланадиган ахборот соҳасини либераллаштириш жараёнининг бориши тўғрисида озабайжонлик газетноларида атрофлича тасаввур уйғотди.

«Жаҳон» АА. Бокы



XALQ BANKI

Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган эътибор банклар зиммасидаги масъулиятни ҳам ошироқда. Шу боис мазкур соҳа вакиллари ва молия муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётир. Давлат-тижорат Халқ банкининг Андижон вилояти филиали фаолияти бунга яққол мисол бўла олади.

Мижозлар манфаати — устувор

Айни пайтда мазкур филиал ўзининг 16 та туман ва шаҳар филиали, 170 дан ортиқ минибанки, шохобча ҳамда махсус кассалари орқали вилоят ахлига намунали банк хизматларини кўрсатиб келапти.

истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида тадбиркорлик субъектларига 5 миллиард сўмликдан зиёд кредит ажратилгани шундан далолат беради. Масалан, Қорасув туманидаги "Тараққий" фермер ҳўжалиги филиалнинг 160 миллион сўм миқдоридagi кредити эвазига хориждан 40 боша наслдор қорамол харид қилиб, кўшимча 10 кишини иш билан таъминлади.

га арзон ва сифатли тўқимачилик маҳсулотлари етказиб бераётган бўлса, 100 миллион сўмлик сармоя ёрдамида фаолиятини ривожлантириб олган Андижон шаҳридаги "Исомбек Дониёрбек" хусусий корхонасида тайёрланаётган 10 турдаги мебель жиҳозлари сифат жиҳатидан элга манзур бўлмоқда.

Шунингдек, филиал жамоасининг сай-ҳаракати билан ўтган даврда маиший хизмат ва сервис соҳасига 2,7 миллиард сўм миқдорда маблағ йўналтирилгани ҳам эътиборга молик.

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ
савдолар залида 2012 йил 29 октябрь ва 16 ноябрь кунлари соат 11.00 да объект бошланғич баҳоסי босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги объектлар такроран сотувга қўйилганлигини маълум қилади.

Бошланғич баҳоסי — 276 628 090 сўм.
Талабгорлар диққатига! Ушбу мулклар 2012 йил 29 октябрдаги аукцион савдосида сотилмади қолган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 16 ноябрь кун ишроқ қилинган қадар бўлиб ўтади.

Бошланғич баҳоסי — 78 090 480 сўм.
«JOZIBA DSHN» МЧЖга тегишли, Самарқанд шаҳри, Ипак йўли кўчасидаги савдо расталари, умумий ер майдони — 1305,27 кв.м., қурилиш ости майдони — 789,28 кв.м.

Бошланғич баҳоסי — 51 623 100 сўм.
«Ал-Азизбек АГТКШ» МЧЖга тегишли, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Оҳалик қишлоғида жойлашган болалар соғломлаштириш оромгоҳи, умумий ер майдони — 29817,12 кв.м., қурилиш ости майдони — 3268,95 кв.м.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ
Сурхондарё вилояти филиали
бошланғич баҳоסי босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Бошланғич баҳоסי — 201 388 000 сўм.
Аукцион савдоси 2012 йил 19 ноябрь кун ишроқ соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Бошланғич баҳоסי — 150 250 000 сўм.
Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Термиз шаҳар судининг 2012 йил 8 октябрдаги 1-175-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Султон Саодат кўчаси, 13-уйда жойлашган, умумий майдони 354,57 кв.м. бўлган, 1984 йилда қурилган, 16 хонадан иборат, 1 қаватли, А литердаги маъмурий бино қўйилмоқда.

СОЛИҚ ТўЛОВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 272 ва 287-моддаларига асосан, эгалигида солиқ солинадиган мол-мулк ва ер участкалари бўлган жисмоний шахслар ҳамда деҳқон ҳўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари тўловчилари ҳисобланади.

«Uz CLAAS Service» МЧЖ
республикамизнинг барча вилоятларида ишлаётган «CLAAS» русумли қишлоқ ҳўжалик техникаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун юқори малакали инженер-механикларни ишга таклиф этади.

Қашқадарё вилояти ҳоқимлигининг «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
2013 йилда қурилиши, реконструкция қилиниши, капитал таъмирланиши режалаштирилаётган объектларга танлов савдолари ўтказилиши бўйича дастлабки рўйхатни эълон қилади.

Изоҳ: мазкур объектларнинг рўйхатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Талабгорларга нисбатан қўйиладиган талаблар, объектларнинг бошланғич нархлари ва қурилиш муддатлари бўйича шартлар кўшимча тарзда оммавий ахборот воситаларида расман эълон қилинади.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ
НАМАНГАН ФИЛИАЛИ
бошланғич баҳоסי босқичма-босқич ошиб бориш тартибидa ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Йирик ишлаб чиқариш корхонаси танлов асосида
СЕКРЕТАРЬ-РЕФЕРЕНТ
лавозимига ишга таклиф қилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси жамоаси Уюшма раисининг ўринбосари З. Х. Саидова акиси
Зояр САИДОВНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси жамоаси бўлим бошлиғи Ҳикматилла Ташматовга ораси
Олия ТАШМАТОВАНИНГ
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



# ЭНГ ГУЛЛАГАН ЧОБИМДА



Буюк келажгимиз ворисларининг она-Ватанга содиқ фарзанд, фидойи ва шижоатли шахс бўлиб камолга етмоғи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Навқирон авлод вакиллари тинчлик ва оқилолликни кўз қорачиғидек асрай биладиган, ўзини юрт тақдирига дахлдор санаб, ғайрат-шижоат кўрсатадиган, эзгу мақсадлар сари интиладиган фаол ҳамда ташаббускор йигит-қизлар сифатида эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамламоқдалар. Бугун улар учун мамлакатимизда беқиёс имкониятлар яратилган. Энг олис

қишлоқларда ҳам ёшларнинг замонавий асосда илм олиши, касб-хўнар сирларини эгаллаши, санъат, маданият ва спорт йўналишларида катта ютуқларни қўлга киритиши учун кўркам ўқув даргоҳлари, санъат қошоналари, турли марказ ва мажмуалар бунёд этилиб, зарур қулайликлар билан таъминланганлиги бунинг амалий ифодасидир. Махсус саҳифамиз орқали ана шундай юксак шарт-шароитлардан баҳраманд бўлиб улғаяётган ва ҳар жабҳада иқтидор салоҳиятини намойён этаётган ёшлар билан яқиндан танишасиз.

## МИЛЛИЙ КУЙ-ҚЎШИҚЛАРИМИЗ СЕҲРИ

Ўтган йили Хитойнинг Ханян провинциясида ўтказилган халқаро мусиқа фестивалида биз — “Ўзбегим ёшлари” ансамбли аъзолари муваффақиятли иштирок этгандик.

### Фахр

Орадан анча вақт ўтган бўлса-да, ушбу тадбир таассуротлари ҳануз хаёлимни тарқ этгани йўқ. Негаки, ўшанда Ўзбекистон фарзанди эканлигимдан, буюк ўтмиши, бебаҳо қадриятлари, тенгсиз санъати бор миллатнинг вакили эканлигимдан чинакамига ғурурланганман.

Фестивалда беш минг метр баландликдаги тоғ чўққисидан туриб юзлаб санъат шайдоларини ром айлаб, миллий куй-қўшиқ ва рақсларимизни ижро этганимизни эсласам, ҳамон руҳланиб кетаман. Ўша кунни бизни осмонўпар тоғнинг этни жунжиктирувчи изғирини ҳам, икки соат давомида тиним билмай ёққан қор ҳам тўхтада олмаган эди. Худди ўша онларда она-юрт шаънини улуглаш, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни ва кам бўлмаслигимизни исбот этиш учун бор истеъдодимиз, куч ва салоҳиятимизни ишга солдик. Концертимиз ниҳоясига етган турли миллат ва элат вакиллари билан иборат санъат шайдолари оёққа қалқиб, “Ўзбекистон, бравол!” дея бизни олқишлади. Шундай қилиб, ушбу тадбирда дунёнинг 38 мамлакатидан борган тажрибали ижодкорлар орасида “Энг яхши ансамбль” номинацияси бўйича биринчиликини қўлга киритдик.

Ижодий жамоамиз билан сўнги етти-саккиз йил ичида Малайзия,

Ҳиндистон, Бельгия, Испания, Франция, Португалия сингари ўндан зиёд мамлакатларга бориб, нуфузли санъат анжуманларида муваффақиятли қатнашганмиз. Фахрланасан арзийдики, ҳар гал анжуманлар якунида янгидан-янги халқаро тадбирлар, кўриктанловларга таклиф этиламиз. Хитойдаги “Жанжиажие” халқаро мусиқа фестивалида ҳам Индонезия, Кувейт, Исроил, Италия, Грузия давлатларида бўлиб ўтадиган шундай тадбирлар ташкилотчилари ижодимизга катта қизиқиш билдириб, бизни ўз мамлакатларида алоҳида эҳтиром билан кутажакларини айтишди.

Бугун биз, ёшларнинг бундай юксак эътирофларга сазовор бўлаётганлигимиз бежиз эмас. Зеро, юртимизда санъат ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Навқирон истеъдод соҳибларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи эса давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзим ҳам худди шундай беқиёс ғамхўрликдан баҳраманд ҳолда уни-ўсдим. Болаликдан меҳр кўйганим — мусиқа санъати бўйича қўллаб-қувватлаш эришдим. Ўтган йили нуфузли “Нихол” мукофотига сазовор бўлганим бунинг яна бир тасдиғидир.

Машхурбек РАИМЖОНОВ, «Нихол» мукофоти совриндори.

### Рақамлар сўзлайди

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган “Нихол” мукофоти учун ўтказиб келинадиган танлов ноёб истеъдодли йигит-қизларни кашф этишга хизмат қилмоқда. Айни пайтга қадар 120 нафардан зиёд санъатга ихлосманд ёшлар мазкур нуфузли мукофотга сазовор бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги 59 та университет ва олий ўқув юртида 230 мингдан ортиқ талаба таҳсил олмақда. Юртимизда мавжуд ўрта махсус ўқув масканларида эса 1,7 миллион нафардан зиёд ўқувчи турли касб-хўнар йўналишлари бўйича ўқияпти.

Мақта таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастури амалга оширилиши доирасида 2004 — 2009 йилларда 8500 дан зиёд мактаб қурилди ва реконструкция қилинди. Уларнинг аксарияти қишлоқларимизда жойлашган.

Дастлаб, яъни 2005 йилда “Келажак овози” республика кўрик-танловида 3 минг нафар йигит-қиз иштирок этган эди. Жорий йилда 79 354 нафар иқтидор соҳиб талов ҳайъатига ариза топширди.

Президентимиз ташаббуси билан 2001 йилнинг 25 апрелида бўлиб ўтган таъсис Қурултоида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати тузилган эди. Хозирги кунда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган беш ярим миллион нафардан зиёд йигит-қиз Ҳаракат олдида қўйилган вазифаларни бажаришда етакчилик намунасини кўрсатмоқда.

Жорий йилда биргина мусиқа ва санъат йўналишидаги нуфузли халқаро кўрик-танловларда мамлакатимиздаги ихтисослаштирилган таълим даргоҳларининг 13 нафар иқтидорли ўқувчиси энг олий ўрин — Гран-прига сазовор бўлди.

## Бизнес ғоялар меваси

Асл касбим педагог. Туманимиздаги 38-умумтаълим мактабида ҳуқуқ фанидан дарс бераман. Тадбиркорлик соҳасига қизиққанам боис бўй вақтимда янги-янги бизнес ғоялар ҳақида ўйлайман, режалар тузаман.

Икки йил аввал “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган “Еш тадбиркор камолоти — қишлоқ тарақиёти кафолати” кўрик-танловида иштирок этиб, қишлоқда сервис хизмати кўрсатиш йўналиши бўйича голибликни қўлга киритдим. Менга 7 миллион сўм имтиёзли кредит олиш учун сертификат берилди. Ушбу маб-

лағ эвазига маҳалламизда компьютер хизматлари марказини ташкил этдик. Ортган маблағга эса, яна бир соҳа — гулчиликни йўлга қўйдик. Хозир компьютер марказида уч киши, гулчиликда эса 7 киши доимий иш билан банд. Олинган кредитни тўладим. Бугун, айниқса, гулчиликдан яхши даромад қилмоқдамиз. Яқинда қиш мавсумига мўлжал-

лаб, 2 сотихли иссиқхона қурдик. Шу йил кўклардан бошлаб мевалар, 2 сотихли иссиқхона қурдик. Шу йил кўклардан бошлаб мевалар

### Интилиш

ли ва манзарали дарахт кўчатларини ҳам етиштиряпмиз. Арчаннинг туя-компакт нави, хинд настарини, япон софори каби кўчатларга қўллаб қорхона ва ташкилотлардан буюртма олганмиз. Иш ҳажми

ошганлиги боис яқинда қорхонамизга Қумқўрғон енгил саноат касб-хўнар коллежи битирувчиларидан 4 нафарини ишга қабул қилдик. Фахрлиниб айтсам арзийдики, мамлакатимизда интилувчан, “Ишлайман, ташаббус ва ғояларимни амалиётга татбиқ этаман”, деган йигит-қизларга барча имкониятлар муҳайё қилинган. Айниқса, Президентимизнинг 2010 йилдаги “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида”ги Фармонида кўра, битирувчи ёшларга қўллаб қароват ва имтиёзлар берилди. Ўзим ҳам ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, муваффақиятларга эришадиганлардан бириман. Келгусида ортирган даромадимни юрт равнақи йўлида сарф этишни, қишлоқ ва шаҳарларимиз ободончилигига муносиб ҳисса қўишни ният қилганман.

Тўқтин МАРДОНАҚУЛОВ, ёш тадбиркор.

**СПОРТ**нинг ушу тури билан шуғуллана бошлаганимда ўн икки ёшда эдим. Уша пайтларда жисмоний машғулотлар инсоннинг руҳий камолотида қанчалар муҳим аҳамиятга эга эканлигини ҳали тушунмасдим. Улғайиб, ақлимни таний бошлагач, буни борган сайин чуқурроқ англаб етаяпман.

## Қатъият, матонат, шижоат бахш этади

Юртимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни жисмоний машғулотларга жалб қилиш масаласига катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, спорт иродани мустаҳкамлаш билан бирга, кишида қатъият, матонат, чаконлик ва интилувчанлик хислатларини шакллантиради.

### Гурур

Ўзимдан қиёс. Мана, беш йилдики, спортнинг шотокан каратэ-до тури бўйича халқаро мусобақаларда иштирок этмоқдаман. Бунга ушу бўйича Осиё ҳамда жаҳон чемпионатларида қатнашиб, катта сабоқ олганимни сабаб бўлди. Дастлаб мазкур спорт тури бўйича 2007 йилги Ўзбекистон кубогида голибликка эришдим. Уша йили Японияда ўтказилган жаҳон чемпионатида шохсупанинг энг юксак погонасини эгалладим. Шундан сўн 2008 йилда Ҳиндистонда ташкил этилган халқаро турнир, Руминия мезбонлик қилган Европа оқик чемпионати ҳамда пойтахтимизда ўтказилган Осиё чемпионатида совриндор бўлдим. Мен учун энг катта рағбат, унутилмас воқеа, бу — 2009 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганим. Мамлакатимиздаги барча

қизларнинг орзуси саналган ушбу мукофотга сазовор бўлганим ўзимга билдирилган ишончини оқлаш йўлида масъулиятни янада чуқур ҳис қилишимга ундади. Аслида ҳам, спорт ва спортда галабалар сари интилиш ҳаётимнинг ажралмас бир қисмига, унинг мазмунига айланиб қолган. Чунки спорт мени тарбиялади, улғайтирди, ўзимга бўлган ишонч хиссини мустаҳкамлашда катта туртки бўлди, келажакдаги орзуларим йўлида шижоат билан одимлашга чорлади.

...Яқинда АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида қаратэнинг Чун қук-до йўналиши бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Ўттиздан зиёд мамлакат спортчилари иштирок этган ушбу нуфузли мусобақада мен иккита олтин медални қўлга киритдим. Шу муносабат билан байроғимиз баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида ҳаяжондан кўзларимга ёш келди. Истиқлолимизнинг 21 йиллигида шундай ютуққа сазовор бўлганимдан ғурурланаман! Қалбимда жўш ураётган ана шу ҳис бундан кейин ҳам мени галабалар сари етаклайверади.

Зумрад ТАЗЕТДИНОВА, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори.



— Чиройлилигини қара-я...

Ҳасан ПАЙДОЕВ сурат-лавҳаси.

## Лойиҳам амалга ошди

Ёшлар ҳаётида “Фонд Форум” ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган “Келажак овози” республика кўрик-танловининг алоҳида аҳамияти бор. Ўзим ҳам ўтган йили мазкур танловда қатнашиб, голиб деб топилган омадли талабалардан бириман.

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида ўқиётганлигим боис танловда “Архитектура ва дизайн” номинацияси бўйича лойиҳамни ҳимоя қилдим. Унинг асл мазмун-моҳияти фермерлиқни кўп тармоқли соҳага айлантириш эди. Яна ҳам аниқроғи, фермер фақат биргина соҳа билан чекланиб қолмай, бошқа йўналишлар, масалан, ишлаб чиқариш ёки махсуслот етиштиришни йўлга қўйиши мумкин, деган ғояни илгари сурдим. Лойиҳага мувофиқ, ер соҳибни очик далада деҳқончилик қилиш билан бирга, иссиқхонадан

фойдаланиши, чорвачилиқни ривожлантириши, сўт маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик цех, тикувчилик ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шох-хобчаларига эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, лойиҳада ана шундай фермер хўжалиги аъзолари истикомат қиладиган замонавий коттежлар учун иссиқлик ва ёруғлик манбаи сифатида қуёш батареясидан фойдаланиш усуллари ҳам тавсия этилган. Танлов ҳаётида ушбу тақдиротни долзарб мавзудаги ўзига хос чиқиш сифатида баҳолаб, голибликка муносиб деб топди. Анчадан бўён орзу қилган

ютуғимга эришдим. Умуман, беллашувда қатнашиш кўпгина дўстлар ортириш, ижодий янгиликлар билан танишиш билан бирга, келгусидаги фаолиятимда асқотадиган бир нечта ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш имконини ҳам берди.

Илк бор катта муваффақиятни қўлга киритганимда, дилимда қатъий бир аҳд пайдо бўлганди. У ҳам бўлса, келажакда бундан-да баланд марраларни забт этиш, улкан ютуқларга эришиш, барча ҳавас қилса арзийдиган натижаларни қўлга киритишдир. Бугун ана шу мақсад сари астойдил интиляяпман, ўқиб-изланапман.

Уллубек МАЛИКОВ, «Келажак овози — 2011» республика кўрик-танлови голиби.

Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган эътибор бугун ўзининг юксак самараларини бермоқда. Эришилаётган муваффақиятларнинг барчаси Президентимизнинг навақирон авлод вакиллари билдирган ишончи, эътибори, эъзози натижасидир.

## Ишонч ва эътибор

янги ютуқ ва марралар сари чорлайди

Болалигимдан адабиётга, шеърятга меҳрим баланд. Иқтидорли ёшларнинг ўз қобилиятини намойён қилиши учун барча имкониятлар яратиб берилганлиги тўғрисида бир қатор муваффақиятларга эришдим. Жумладан, 2006 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти, 2009 йилда эса Навоий номидаги Давлат стипендияси соҳиб бўлдим. Шунингдек, республика миқёсида ўтказилган турли кўрик-танловларда фаол қатнашиб, муносиб тақдирландим. Жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси учун ўтказилган танловда голиблар сафидан жой олдим. Бундан ҳам чексиз қувонч, ҳам юксак шараф, шу билан бирга, улкан масъулиятни ҳис этдим.

### Дил сўзи

Ушбу ютуқларимга асос, авваламбор, Юртбошимизнинг биз, ёшларнинг ҳеч қандам кам бўлмаган уний-ўсишимиз, таълим олишимиз учун кўрсатаётган ғамхўрликларидир. Бунга жавобан, албатта, Ўзбекистонимизнинг буюк келажиги йўлида бор имконият ва салоҳиятимизни ишга соламиз.

Хулқар СУЛАЙМОНОВА, Тошкент давлат шарқшунослик институти магистранти.

## Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуничилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**  
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1054. 61 384 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарха.  
ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.  
Газета тахририят компьютер марказида терилди  
ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навабчи котиб — Ю. Ҳамидов.  
Навабчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.  
Навабчи — М. Холматов.  
Мусоҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
«Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35  
Тошширилди — 21.15 1 2 3 4 5